



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
25 август
ШАНБА
№ 67
(12.495)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ТАҚДИРИМсан, БАХТИМсан, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ»

УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шухратини юксалтириш, ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш соҳасидаги узоқ йиллик фидокорона меҳнати ҳамда миллий гоёни ривожлантириш, маънавиятимизни тиклаш, ўзлигимизни англашга ва ёш авлоднинг ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун куйидагиларга "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони берилиб, олий нишон – "Олтин юлдуз" медали топширилсин:

Турдиев Содикжон – Асака тумани "Асака жило-си" фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

Камиллов Халидجان Махаммаджанович – Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг офтальмология кафедраси профессори, Тошкент шаҳри

Шаимов Мирзахмат Исматович – "Сирдарё ис-сиклик электр станцияси" очик акциядорлик жамияти бош муҳандиси, Сирдарё вилояти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2012 йил 23 август.



Турдиев Содикжон



Камиллов Халиджан Махаммаджанович



Шаимов Мирзахмат Исматович

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 21 ЙИЛЛИГИГА

ГУЛЛАБ-ЯШНАШ ДАВРИ

Тошкент вилояти мустақил Ўзбекистон маданий-маънавий ҳаёти ва иқтисодиётида етакчи ўринга эга. 15,26 минг квадрат километр майдонни эгаллаган вилоятимизда бугун 2,6 миллиондан зиёд аҳоли яшамокда. Марказий Осиёнинг ий-

– Бугунги кунда шаҳар ва туманларимизда 100 га яқин йирик корхона ишлаб турибди, – деди "Тошкент ҳақиқати" муҳбири билан суҳбатда вилоят ҳокимлигининг иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи Анвар Абдуқодиров. – Вилоятимиз республикада ишлаб чиқарилаётган янги санат маҳсулотининг деярли 12,7 фоизини етказиб бермокда. Иқтисодий ислохотлар энергетика ва машинасозлик, кон-металлургия ва кимё, енгил ва озиқ-овқат саноатини турли мулкчилик шароитида бар-

рқор ривожланиш йўлига олиб чиқди. Пахтачилик, галаччилик, чорваччилик, пиллачиликда, мева-узум, полиз ва сабзавот етиштириш, уларни қайта ишлаш соҳаларида ўсиш суръатлари барқарор тус олди.

– Анвар Абдуқодирович, вилоятимиз саноатининг салоҳиятини белгиловчи йўналишлар ҳақида гапириб берсангиз.

– Мамлакатимизда ишлаб турган "Олмалик кон-металлургия комбинати" очик акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш қувватлари

Марказий Осиё минтақасида ағона. У рангли ва ноёб металллар – олтин, мис, рух, молебден, осий ва ванадий ишлаб чиқаради. "Ўзбекистон металлургия комбинати" бирлашмаси ички ва ташқи бозорга пўлат ва прокат, бошқа қора металллар етказиб бераётди. "Максам-Чирчиқ" ва "Аммофос-Максам" очик акциядорлик жамиятлари кимёгарлари ишлаб чиқараётган аммиакли селитра, карбамид, аммиак, аммофос ва бошқа минерал ўғитлар экинлар ҳосилдорлигини кўтаришга хизмат

қилиб, айни пайтда ташқи бозорга кўплаб чиқарилаётган. "Чирчиққишлоқмаш", Оҳангарон ва Бекободдаги цемент, шифер, темирбетон конструкциялари, Газалкентдаги ойна ишлаб чиқарувчи, "Осборн Текстиль", "Дайшин Мегатекс", "Пластекс", сут-гўшт, ёғ-мой, виночилик, кондитер, тамаки корхоналари мамлакатимиз иқтисодиёти билан белгиланган қувватлардир. Мустақиллик йилларида замонавий технологияларга асосланган ўнлаб йирик қўшма корхоналар қурилиб, ишга туширилди.

– Маълумки, республикамиз Президентининг "2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим йўналиш-

лари" маърузасида истиқболли вазифаларни илгари сурди. Уларни амалга ошириш қандай бормокда?

– Шу маърузада белги-ланган мақсад ва кўйилган вазифалар асосида қабул қилинган вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури муваффақият-ли амалга ошириляпти. Халқ хўжалигининг барча ҳа-баҳларида ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлашти-риш, йирик корхоналарни модернизациялаш, янги-янги қувватларни ишга туши-риш, кишлоқ хўжалигида фермерлик ҳаракатини ри-вожлантириш, кичик тадбир-корликни қўллаш-қувватлаш натижасида ўсиш суръатла-ри барқарорлашмокда.

(Давоми 2-бетда).

ФЕРМЕРНИНГ ЙЎЛИ РАВОН

Тошкентда фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш ва аграр соҳа тармоқларини модернизация қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати-Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ҳамда Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда Қишлоқ ва сув хўжалиги, Молия, Иқтисодиёт, Адлия вазириликлари, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш корхоналари, фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирок этди.

Тадбирда аграр соҳа тармоқлари учун имконият, имтиёз ва преференцияларни янада кенгайтириш, соҳага инновация технологияларни татбиқ этиш, бу борадаги ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштиришга доир маърузалар тингланди.

"Туркистон-пресс".

МАКТАБ БОЗОРЛАРИ



ЯРМАРКАЛАР ОТА-ОНАЛАР БИЛАН ГАВЖУМ

Яна саноқли кунлардан сўнг юртимиздаги таълим муассасаларида янги ўқув йили бошланади. Ўқувчи-ёшлар бу кунни орзиқиб кутаётган бўлса, таълим масканларида янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари қизғин давом этмокда. Ота-оналар кес ва фарзандларига ўқув қуроллари, дарсликлар, кийим-кечақлар харид қилиш билан машғул. Жойларда ташкил этилаётган мактаб ярмаркалари бу борада уларга катта қўлайлик яратмокда.

Ўқувчиларни юқори сифатли ўқув қуроллари ва кийим-кечақлар билан таъминлаш мақсадида ташкил этилаётган аънавий мактаб ярмаркалари давлатимизнинг ёш авлод таълим-тарбиясига қаратаётган эътибор ва ғамхўрлигининг амалдаги ифодасидир.

Вилоятда ҳам мавжуд мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш юзасидан кенг қўламадаги қурилиш, таъмирлаш ва обodonлаштириш ишлари амалга оширилди. Айни пайтда мазкур таълим масканлари ўқувчиларини дарсликлар, зарур адабиётлар ва ўқув анжомлари билан таъминлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилмокда.

Янги 2012-2013 ўқув йилига пухта тайёргарлик қилиш, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларини мактаб анжомлари, ўқув-методик қўлланмалар ҳамда кийим-кечақлар билан таъминлаш, ота-оналарга янада қўлайлик яратиш мақсадида вилоят ҳудудида 600 дан зиёд савдо шохобчалари фаолияти йўлга қўйилди. Жумладан, шаҳар ва туман

бу жараёнда шаҳар ва туман марказларидан анча олисда жойлашган кишлоқлар аҳолисига ҳар томонлама қўлайлик яратишга алоҳида эътибор қаратилмокда. – Мактабда ўшабу ярмарканинг ташкил этилгани биз, ота-оналарга катта қўлайлик яратди, – дейди янгийўллик С. Норматова. – Фарзандларимиз учун зарур бўлган барча ўқув анжомларини шу ернинг ўзидан харид қилия-миз. Муҳими, савдога қўйил-ган дафтар ҳамда бошқа зарур ўқув қуролларининг де-ярли ҳаммаси ўзимизда иш-лаб чиқарилган бўлиб, улар-даги турли сурату тасвирлар болалар тарбияси, маъна-виятига мос.

Мактаб ярмаркаларида савдога чиқарилаётган маҳсулотларнинг юқори сифати ва нархи нисбатан арзон, кўриниши ва безаклари маъ-навиятимиз, миллий кадри-хоқимлиги, халқ таълими, ўрта-маҳсул, касб-хунар таъ-лими бошқармалари, "Тош-вилбозорсавдо" уюшмаси ҳамда уларнинг жойларда-ги филиаллари томонидан

СУРАТАА: Ўрта Чирчиқ туманининг кўплаб умумтаъ-лим мактабларидан ташкил этилган ярмаркалар ота-оналар, ўқувчилар билан гавжум.

Тумандаги 57-умумтаълим мактабидан ташкил этилган ярмаркага 600 минг сўмлик ўқув қуроллари келтирилган бўлиб, 400 минг сўмлик ўз эгаларини топиб улгурди. Маҳсулотларнинг сифати аъло, нархи ҳамёнбонлиги билан барча ота-оналарга манзур бўляпти.

Даврон АҲМАД олган сурат.

УМУМХАЛҚ ҲАШАРИ



Байрамларни орасталик билан нишонлаш, ўзаро меҳр-оқибат кўрсатиш халқимизнинг азалий удуми. Шу кунларда шаҳар ва кишлоқларимизда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма бир йиллик байрамини муносиб нишонлашга қизғин тайёргарлик кўриляпти.

КЎНГИЛ ОБОД – ЮРТ ОБОД

Вилоят ҳокимининг фармойишига кўра, байрамолди обodonлаштириш ва тозалик ойлиги 25-26 август кунлари бўладиган умумхалқ ҳашари билан янгиликларни кўзда тутилган. Шу жараёнда маҳал-лалар, кишлоқ ва шаҳарларда кўп қаватли бино ва ховлилар, гузар ва хиёбонлар, сайилгоҳ ва зиярат-гоҳлар, кўча ва ариқлар тозаланиб, тартибга келтириляпти.

Умумхалқ ҳашарида кекса ва ногиронлар, яқка-ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган, кам таъмин-ланган ва кўп болали оилаларнинг уй-жойларини таъмирлашга кўпчи-лик бўлиб ёрдам кўрсатилади. Тўпланиб қолган чиқиндилар ҳашар йўли билан белгиланган жойларга чиқариб ташланади. Мутасадди идоралар ҳашарчиларни зарур тех-ника билан таъминлашапти.

Умумхалқ ҳашари кунлари "Ма-халла" хайрия жамғармаси вилоят бошқаруви, "Камолот" ёшлар иж-тимоий ҳаракати вилоят кенгаши, шаҳар ва туман ҳокимликлари таш-

килотчилик ишларини кучайтириб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, таълим ва бошқа муассаса ҳамда ташки-лотлар ходимлари, аҳолининг бар-ча қатламлари, айниқса, ёшларни кўплаб жалб қиладилар.

Ҳашар муносабати билан барча корхона, ташкилот ва муассасалар-да меҳнат қилаётган ходимларнинг бир кунлик иш ҳақи миқдоридида маблағлар "Махалла" хайрия жам-ғармаси вилоят бўлими ҳамда шаҳар ва туман бўлималарининг банкдаги ҳисоб рақамларига ихти-ёрий равишда ўтказилиши белги-лаб қўйилди. Тушган маблағлар "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури тадбирларига, кам таъ-минланган оилалар, ёлғиз кекса-ларни ижтимоий қўллаб-қувват-лаш, маҳаллалар спорт майдонча-ларини жорий таъмирлаш, фуқаро-лар йиғинларининг моддий-тех-ник базасини яхшилашга сарфла-ниши назарда тутилмокда.

мамлакатимиз мудофаа кудратини юксалтириш, ихчам, тезкор ва ҳар жи-ҳатдан пухта тайёргарлик-ка эга миллий армияни

Кулбхушан Варику:

«ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОХОТЛАР ЮКСАК БАҲОГА ЛОЙИҚ»

Илгари хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида дунёнинг турли мамлакатлари ижтимоий-сиёсий, ишбилармон ва академик доиралари вакиллари Ўзбекистонда истиқлол йиллари мобайнида қўлга киритган муваффақиятлар тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларни мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги дипломатлари ваколатхоналарига маълум қилмокдалар.

Хусусан, Жавоҳарлаъл Неру номидаги университет ҳузуридаги Халқаро тадқиқотлар марказининг Марказий Осиё мамлакатларини ўрганиш дастури раҳбари Кулбхушан Варику "Жаҳон" ахборот агентлигининг муҳ-бири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғи-да юртимизда мустақиллик йиллари давомида тараққиётнинг "ўзбек мо-делли" асосида ҳаётга татбиқ этилаёт-ган кенг қўламли ислохотларни юк-сақ баҳолади.

Хиндистонлик экспертнинг фикри-ча, Ўзбекистон ҳукумати жаҳон бо-зорида юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотларни етказиб бериш мақ-садида маҳаллий хом ашёнинг юр-тимиз корхоналари томонидан қай-та ишланишига имкон берадиган сан-оат қувватларини бунёд этишга усту-вор аҳамият бераётди.

Енгил саноат, сайёҳлик, автомобил-созлик, транспорт коммуникацияси, дори-дармон саноати ва юқори сало-ҳиятга эга бўлган бошқа қатор соҳа-лар Ўзбекистон иқтисодиётининг ус-тувор йўналишлари сифатида белги-лаб олингани ҳам хинд мутахассиси томонидан алоҳида эътироф этилди.

– Ташкилдош жоизки, Ўзбекистон денгизга бевоқиф чийиш йўлига эга бўлмаганига қарамай, ўзининг қўлай

журғофий жойлашувидан самарали фойдаланмокда, замонавий авто-мобил йўллари қуриш ва келажакда мамлакатимизнинг жадал иқтисодий тараққиёти асосига айланган эр-кин иқтисодий ҳудудларни бунёд этиш орқали транспорт-коммуника-ция инфратузилмасини жадал суръ-атларда ривожлантирмокда, – деди у.

Ўзбекистон ва Хиндистон ўртаси-даги муносабатларнинг ривожлани-ш масалаларига тўхталар экан, К. Ва-рику юртимиз мустақиллигининг 21 йиллик байрамини ҳар икки мамла-кат, Ўзбекистон Президентининг 2011 йил май ойида Хиндистонга бюроган ташрифи чоғида эълон қилингандек, стратегик шериклар сифатида қар-ши олаётганликларини таъкидлади.

Унинг сўзларига қараганда, стра-тегик шериклик икки томонлама му-носабатлар тараққиётининг чўққиси ва давлатларимиз ўртасида мавжуд бўлган ўзаро мустаҳкам ишончинг тасдиғидир.

Юртимиз мустақиллигининг 21 йил-лиги байрами арафасида Кулбхушан Варику дўст Ўзбекистон халқига тинч-лик, оқойишталик, тараққиёт ва фа-ровонлик тилади.

"Жаҳон" АА. Дехли.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 21 ЙИЛЛИГИГА

ГУЛЛАБ-ЯШНАШ ДАВРИ

Биринчи ярим йилликда барча молиявий манбалар ҳисобидан 770,7 миллиард сўм миқдордаги капитал сармоялар ўзлаштирилди. Умумий сармояларда марказлашган инвестиция улуши 14,4 фоизни ташкил этди. Ялпи ҳудудий маҳсулот биринчи ярим йилликда ўтган йилга нисбатан 105,7 фоизга ўсиб, 4 триллион 24,8 миллиард сўмликка етди. Шу жумладан, саноат маҳсулоти - 106,4, халқ истеъмоли моллари - 118,8, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти - 106,6 фоиз ўсди.

Олти ойда 408,7 миллиард сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Усиш 118,4 фоизни ташкил этди. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши кенгайтиб бормоқда. Уч йилда вилоятимиз қишлоқларида 1405 та уй-жой қурилди. Сўнгги бир йилда 578,7 миң квадрат метри 680 та шундай уйлар фойдаланишга топширилди.

Капитал қўйилмалар таркибига корхоналарнинг ўз маблағлари тобора кўпайиб бормоқда. Бу улш олти ойда 33,4 фоизни ташкил этиб, 257,7 миллиард сўмга етди. Тижорат банкларининг кредитлари ва заём маблағлари 119,2, тўғридан-тўғри хорижий сармоя ва кредитлар 91,7 миллиард сўмга етди.

Вилоятимизда тadbиркорлик ҳаракатининг бугунги кўламлири қандай?

Юртбошимиз ҳамisha "Иқтисодиётни эркинлаштиришни чуқурлаштирмасдан, хусусий мулк улушини оширмасдан, тadbиркорлик учун эркин шароит яратмасдан туриб юқори иқтисодий ўсишга эришиши мумкин эмас", деб таъкидлайдилар. Бизнинг бугунги сайё-ҳаракатларимиз шу кўрсаткичдан келиб чиқиб, тadbиркорлик соҳасида истиқболли лойиҳаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликка буғун берилаётган эътибор, кул солиқ ва боғжона тартибини яратиш жараёнлари

соҳани ривожлантиришда асосий омилга айланди. Биринчи ярим йилда 500 турдан ортиқ янги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 90 фоиздан кўпроги кичик бизнес соҳасида рўйга чиқарилди. Тижорат банклари бу мақсад учун 194,1 миллиард сўм кредит ажратди. Январь-июнь ойларида кичик бизнес субъектлари 1761 тага кўпайди. Рақобатбардош истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва турларни кўпайтиришга йўналтирилган барча дастурлар доирасида 90,7 миллиард сўм ва 18,5 миллион долларлик сармоя ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалиги билан биргаликда 190 та ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилди. Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳақида кичик бизнеснинг улуши бугун 40 фоизни ташкил этмоқда. Шу даврда барпо этилган "Янфуд экспорт", "Уметаллинест" ва "Зулайхо Ж. А." масъулиятли чекланган жамиятларининг ишлаб чиқариш салоҳиятлари юксалиб бормоқда.

Вилоятимиз шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб ўтган минтақалараро ҳамда халқро қарвон йўллари хизмат кўрсатиши ва сервис соҳасига янги талаблар қўймоқда. Умуман, шу соҳадаги сайё-ҳаракатларнинг бориши хусусида нима дея олаемиз?

Республикамиз Президентининг 2012-2016 йилларда хизмат кўрсатиши ва сервис соҳасини ривожлантиришга доғал дастурини тасдиқлашга қўл бўлгани йўқ. Шундан келиб чиқиб, аҳолига замонавий, сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида вилоят дастурини қабул қилдик. Унга кўра, бу йил жами хизматлар ҳажми 4,7 триллион сўмини, ўсиш суръати 117,5 фоизни, 2013 йили 6,8 триллион сўмини, ўсиш суръати 117,9 фоизни, 2014 йилда - 9 триллион сўмини, ўсиш суръати 118,1 фоизни, 2015 йилда - 12,4 триллион сўмини, ўсиш суръати 118,3 фоизни, 2016 йилда 15,8 триллион сўмини, ўсиш суръати 118,5 фоизни ташкил эти-

ши кўзда тутилмоқда. Умуман олганда, шу мuddатда ўсиш суръати 2,3 баравар юксалишига эришмоғимиз лозим. 2012 йилда 1035 та янги хизмат кўрсатиш шохбчаси ишга туширилиб, 2683 та янги иш ўрни барпо этилади.

Лекин асосий мақсад хизматлар сифатини яхшиладан иборат бўлади. Ҳозирча ҳар бир туманда биттадан савдо-маиший хизмат марказлари барпо этиши лойиҳалари режалаштирилди. Уларда 12 турда хизмат кўрсатилади. Қурилаётган чора-тадбирлар ялпи ҳудудий маҳсулот ҳақида хизматларнинг улушини биринчи ярим йилликда 51 фоизга кўтарди.

Турли мулкчилик шароитида қишлоқ хўжалигида янги, катта имкониятлар очилаётгани табиий.

Шундай. Фермер хўжалиқларининг моддий-техник базасини кучайтириш, экин майдонларини оптималлаштириш, намунавий фермер хўжалиқлари тажрибасини оммалаштириш яхши самаралар беради. Бугун қишлоқ хўжалигида амалдаги нархларда деярли 2,7 триллион сўмлик ялпи маҳсулот этиштирилмоқда. Ўтган йили 269,1 миң тонна пахта, 588,6 миң тонна бошоқли дон сотилди. Эндилликда илгор фермер хўжалиқлари 35-40 центнерга етказиб пахта, 51-55 центнердан ошириб дон этиштиришляпти.

Барча соҳаларда барқарор ўсиш суръатлари намoён бўлмоқда, - деди Анвар Абдуғофурович сўхбат якунида. - Янги иш ўринлари кўпайиб бораётгани ўрта махсус ва олий ўқув юрталари битирувчиларини иш билан тўла таъминлашга имкон очмоқда. Янги техника ва технологияларни ишга солиш ҳисобига маҳсулот этиштириш суръати ўсиб боради. Қўпмиллатли вилоятимиз меҳнат ахли мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллик тўйини муносиб кутиб олмақда.

"Тошкент ҳақиқати" мухбири Жўра САЪДУЛЛАЕВ сўхбатляпти.

Ўрта Чирчиқ туманида чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларчиликни ривожлантириш доирасида қабул қилинган дастурлар асосида янги лойиҳалар амалга оширилаёттир. "Агро ансер" масъулиятли чекланган жамияти ўтган йилнинг октябр ойида илгари фойдаланилмай ётган эски товўқхона ўрнида иш бошлади. Қаровиз бино таъмирланиб, зарур асбоб-ускуналар ўрнатилди. 5600 та "Росс-308" зотли жўжа парвариш-лашга қўйилди. Зоотехник қондалар асосида парвариш қилинган жўжалар икки ойда 2,5 килограммга етди. Ҳозир навбатдаги жўжалар парвариш қилинапти.

«АГРО АНСЕР»:

ПАРҲЕЗ ГЎШТГА МАРҲАМАТ

Гўшт учун бройлер хўжа этиштиришнинг ўзига ҳозир нозик томонлари бор, - дейди жамият менежери Баҳодир Хўжамoёров. - Ёш жўжалар нозик бўлади. Бу вақтда хонадаги ҳарорат 32 даражада бўлиши талаб этилади. Парвариш жараёни - икки ой давомида хона ҳарорати 18 даражага пасайтириб борилади. Ҳаво доимо тоза ва намлик меърибда бўлиши лозим. Шуларни ҳисобга олган ҳолда цехни қишда иситиш ва ёзда совутиш тизимини яхши йўлга қўйдик. Учта кувёш батареяси ўрнатилди. Унинг ҳар бири 125 литр сувни иситиб беради. Ундаги термос тизими иссиқликни 72 соатга ушлаб туради. Ишлаб чиқариш цехидаги "Гафро" совутиш тизими хона ҳарорати меърибда бўлишини таъминлайди.



«АГРО АНСЕР»:

Изланган, ҳаракат қилган кишига имконият кенг, - дейди жамият раҳбари Дилмурод Файзиев. - Халқ банкининг туман бўлиминан 50 миллион сўм кредит олиб, шу ишларни бошлаган эдик. Натижа чакки бўлмади. Ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш тadbирларини кўраемиз. Паррандачилик фермаси фаолиятини ўрганиш учун ерга келиб, жуда хурсанд

бўлдик. Банкимиз сўралган миқдордаги кредитни ажратди. Парранда фермасининг иккинчи навбатини ишга тушириш ҳаракати бошлаб юборилди. Қиш ойларида сабзавот ва кукталар этиштириш учун 2 сотих жойда кичик иссиқхона ташкил этилди. Шунингдек, мавжуд ҳовуларда балиқчилик хўжалиги ташкил этиш тараққили бормоқда. Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ. СУРАТА: менежер Баҳодир Хўжамoёров (ўнгда) ва Алмиер Камолов. Р. МИРЗАКУЛОВ олган сурат.

МАФТУНКОР РАНГЛАР ОЛАМИ

Уруш ва меҳнат фахрийлари республика пансионатида "Мафтунокор ранглар олами" иқтисодий бўғимлари республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофаз қилиш, Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар вазирликлари, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, "Камолот" ёшлар иқтисодий ҳаракати, Ногиронлар жамияти, Бадиий академия, "Ўзбекино" эстрада бйрлашмаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Соғлом авлод учун", "Сен ёлғиз эмассан" жамғармалари ҳамкорлигида ташкил этилган танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичлари ғолиблари катнашди.

"Мафтунокор ранглар олами" республика кўрик-танлови тиббий кўмакка муҳтож болаларнинг иқтисодий аниқлаш, иқтисодий иқтисодий ривожланишига кўмаклаштиришга хизмат қилмоқда. Танловнинг республика босқичи эркин мавзу асосида ўтди. Болалар табиат манзаралари, оила аъзолари, жонхон мактаблари, эртак қаҳромонларини ўз расмларидан акс этиришди.

Танлов доирасида иқтисодий иқтисодий мактаблар, мурувват, меҳрибонлик уйлари болаларнинг ижод намуналаридан иборат бадиий кўргазма ташкил этилди ҳамда болалар ишториқда поэтхизматининг диққатга сазовор масканларига савғалар уюштирилди. Шунингдек, танлов қатнашчилари юқори малакали шифокорлар томонидан тиббий-курсад ўтказилди.

Кўрик-танловнинг солиқ ва совғандорлиги ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Тadbирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар ишториқда концерт намойиш этилди.

Манзура БЕКЧОНОВА, "Туркистон-пресс".

ВАТАН ИЧИДАГИ ВАТАН

ҚИЁСИ ЙЎҚ ЛОЙИҲА

Мустақкам оила йилида маҳаллалар билан ҳамкорликни янада кучайтириш, шу орқали электрор вакилларнинг орасига кириб бориш, уларни ўйлантириб турганини муаммоларнинг ечимини топиш мақсадида Ўзбекистон Халқ демократик партияси "Маҳалла - аҳолини манзилли иқтисодий кўллаб-қувватлаш маркази" мавзусида турт босқичли лойиҳа ишлаб чиқиб, изчил амалга оширяпти. Шу лойиҳа бўйича ҳозиргача ҳар бир шаҳар ва тумандаги 10-15 та маҳаллада маънавий-маърифий ва ташкилотчилик тadbирлари уюштирилди.

Бўстонлик туманида шу мавзусидаги лойиҳанинг вилоят босқичида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлари, "Маҳалла" хайрия жамғармаси раиси Сайёра Файзиева ва бошқа тўлаш қонун-қодалари ҳақидаги саволларига жавоб бериб, аҳолини аниқ йўналтирилган асосда иқтисодий хўжалик қилиш бўйича маҳалланинг ўрнини янада мустақкамлашга қаратилган тақдирлар ишлаб чиқиш муҳим эканлигига эътиборни қаратишди. Бундай тақдирларни Халқ депутатлари маҳаллий кенгашиари сессияларида муҳокама этиш, шу орқали партия электрорли манфаатлари таъминланишига эришиш, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясидаги тегишли қонунларни тақдирлаш билан қилиш бу масалаларни ҳал қилишда ижобий самара бериши кўрсатиб ўтилди.

Тadbирда лойиҳани амалга оширишнинг ҳозирги босқич яқунлари кўриб чиқилди. Вилоят партия кенгаши мониторинг натижаларига кўра, Қирғай, Зангиота, Бўка, Янгиўл туманларидаги ҳамда Чирчиқ шаҳридаги қатор маҳаллаларни танлов ғолиблари деб топди. Уларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Жўра САЪДИЕВ.

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлаб ўтказилган "Энг улуг, энг азиз" республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлашга бағишланган тadbир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, Бадиий академия, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамoат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ёзувчилар уюшмаси, "Ўзбекино" миллий агентлиги каби ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган макур танлов якунига бағишланган тadbирга сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамoат ташкилотларининг вакиллари тақдир этилди.

рағбатлантириш, янгидан-янги ижодий марралар сари илҳомлантиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Танловда қатнашши истагиди ижодкорлар сафининг йилдан-йилга кенгайиб бораётганининг нуфузи ва аҳамиятидан далолатдир. Жорий йилги танловнинг республика босқичига турли йўналишларда меҳнат қилаётган 258 нафар ижодкорнинг 2493 ижодий иши қабул қилинди. Бу ҳар йилгидан анча кўпдир. Тақдим этилган асарларда мамлакатимизда барча соҳаларда эришилаётган улкан ютуқлар, ислохотларнинг мазмун-моҳияти, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, Ватанимиз қудрати ва салоҳияти, халқро микёсдаги оёру-эътиборининг тобора ортиб бораётганини ўзига ҳос ижодий ёндашув асосида, чукор таҳлили тарзда оциб беришган. Шу билан бирга, оилаларни мустақкамлаш, айниқса, ёш оилаларни кўллаб-қувватлаш, маҳаллаларнинг жамият ҳаёти, ёшлар тарбиясидаги ўрни ва аҳамиятини кучайтириш, ҳамюртларимизнинг тadbиркорликка оид илгор гоё ва ташаббусларини ҳаётга татбиқ этиш борасидаги ишларни ериштишга алоҳида эътибор қаратилган.

Мехр, эъзоз ва эътибор ижод аҳлига қанот бағишляпти, - дейди танлов ғолиби, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Sport" телерадиокомпанияси "Машъал" радиоси катта муҳаррири Зулфизар Каримова. - Ватан - ҳар биримизнинг тақдиримиз, келажагимиз, бахту иқболимиз билан чамбарчас боғлиқ. Мустақиллик, унинг чексиз имкониятлари, бугунги тинч ва осийшта, ёруғ ва дориламон кунларимиз барча ижодкорлар учун чин маънодаги илҳом манбаидир.

Тadbирда "Энг улуг, энг азиз" республика кўрик-танлови ғолибларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Назоқат УСМОНОВА, Ўза мухбири.

ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК

Сўнги йилларда тadbиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, уларга лицензия ва бошқа рухсатномалар бериш, ер ажратиш, қурилиш, коммунификация тармоқлари улуши, тadbиркорлик фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш ва уларнинг жавобгарлигини белгиловчи меъриий ҳужжатларни янада соддалаштиришга, турли имтиёзлар беришга қаратилган кўллаб қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, кенг қўлланилмоқда.

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШДА ИМТИЁЗ ВА ҚУЛАЙЛИКЛАР

Ушбу Фармонда бозор иқтисодиёти талабларига, халқро меъёрлар ва стандартларга мувофиқ, бюрократия қурилиши бартарф этиш, лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ҳамда соддалаштириш, ҳисобот тизимини ва ҳисоботларни тақдим этиш тартибини тубдан яхшилаш, тadbиркорлик субъекти фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсад қилиб қўйилди.

Бундан ташқари, 2012-2016 йиллар давомида ариза берувчиларга аризаларнинг ўтиш жараёнини интерактив қурилиши имкониятини яратган ҳолда лицензия ва рухсатномаларни олиш учун интернет тармоғи орқали аризаларни беришнинг электрон шаклига риориет қилиниши таъминланадиган бўлди. Шунингдек, Адлия вазирлиги ва Бош прокуратура олдига тadbиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳисоботларни тақдим этиш, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини амалга ошириш масалаларини тартибга солиш учун ҳужжатларига давлат ва ҳужжалик бошқаруви органларини сўзсиз риоя этишлари устида мунтазам назорат ўрнатиш ва тегишли таъсир чораларини кўриб бориш ва эфизларни юклатилди. Айниқса, давлатимиз раҳ-

барининг "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тadbиркорликка кенг эркинлик бериш чора-тadbирлари турғисида"ги Фармони тadbиркорлик субъектларини ҳар томонлама ҳуқуқий ҳимоя қилиш, фаолиятини янада эркин ривожлантириш ва ҳар қандай бюрократик тўсиқларга чек қўйиш учун хизмат қиладиган муҳим ҳужжат бўлди.

Ушбу йадада қулайроқ шарт-шароитлар яратиш, хусусий мулкчиликнинг иқтисодий ривожлантиришига ҳиссасини ошириш ва бошқа қатор масалалар муҳим вазибалар қилиб белгиланди. Уйлаймики, макур соҳада қабул қилинаётган меъриий-ҳуқуқий ҳужжатлар келажикда тadbиркорлик субъектларига яратилаётган имтиёз ва қулайликларнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қиладди. Зеро, мамлакатимизда макур соҳада амалга оширилаётган ислохотлар бозор иқтисодиётининг асоси бўлган тadbиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш борасидаги устувор йўналишлардан бири бўлиб қолаверди.

Э. ХОЛМАХМАТОВ, Адлия вазирлиги юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси катта маслаҳатчиси.



ТАҚДИМОТ

МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ

Вилоятимизда бир йилда 5-6 млн. тонна атрофида саноат ҳамда 1,5-2 млн. тонна маиший чикинди ҳосил бўлади. Уларни қайта иш-

лашни йўлга қўйиш, энг аввало, атроф-муҳит мувозанатини сақлаш, қолаверса, иқтисодиёт ривожига салмоқли ҳисса бўлади.

Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят кенгаши Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида Савдо-саноат палатасида ишлаб чиқарилиши режалаштирилган биогаз ва биоўғит қурилмасининг тақдимот маросими ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон

Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси, шунингдек, бир гуруҳ хорижий ҳамда маҳаллий ишбилармон ва тadbиркорлар иштирок этидилар.

Олмалик шаҳридаги "Olmaliq metall Konstruksiya" корхонасида макур ҳамкорлик доирасида ишлаб чиқарилиши режалаштирилган биогаз ва биоўғит қурилмасининг тақдимот маросими ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон

Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси, шунингдек, бир гуруҳ хорижий ҳамда маҳаллий ишбилармон ва тadbиркорлар иштирок этидилар.

Олдузхон МУХИДДИНОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири. Даврон АХМАД олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси
Ташқи иқтисодий фаолият
Миллий банки
Тошкент вилояти бўлими
меҳнат жамоаси

*Сиз азизларни Она Ватанамиз –
Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллиги байрами –
Истиқлолимизнинг
21 йиллик шодобёниси*
билан самимий
муборакбод этади.
Ушбу қутлуғ айёмда
ҳамюртларимизга сўхат-саломатлик,
бахт ва омад тилаймиз.
Муваффақият доимий
ҳамроҳингиз бўлсин!

Миллий банк Тошкент вилояти бўлими ўзининг қуйидаги омонат турларини таклиф этади:

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА		
«МАНФААТЛИ» муддатли омонати – йиллик 24%, муддати – 1 йил.	«ИСТИҚЛОЛ» муддатли омонати – йиллик 23%, муддати – 3 ой.	«ШИНАМ» муддатли омонати – йиллик 19%, муддати – 5 ой.
ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДА		
«ТАРАҚҚИЁТ» муддатли омонати – йиллик – 4,75%, 1 йил муддатга.	«АБСОЛЮТ» муддатли омонати – йиллик – 6%, 1 йил муддатга.	«ЁҒДУ» муддатли омонати – йиллик – 7%, 2 йил муддатга.

Хизматлар лицензияланган

ИПОТЕКА BANK

Mustaqillikka
21 yil

Мустақиллик байрамингиз
муборак бўлсин,
азиз юртдошлар!

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» ОАТБ
Тошкент вилояти минтақавий филиали
барча юртдошларимизни
Мустақиллигимизнинг
21 йиллиги
муносабати билан чин юракдан
муборакбод этади. Юртимизга тинчлик,
халқимизга осойишталик ҳамда
фарзандларимизга баркамоллик тилаймиз.
Байрам шуқуҳи халқимизни ҳеч ҳам тарк этмасин!

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Тошкент вилояти минтақавий филиали қуйидаги банк хизматларини тақдим этади:

- 32 турдан ортиқ омонатлар;**
- 10 дан ортиқ халқаро пул ўтказмалари;**
- 5 турдаги пластик карточкалари (SMS-банкнинг, банк-клиент, интернет-банкнинг)**

ҳамда мамлакатимиздаги ҳар бир оилани мустаҳкамлаш борасида халқимизнинг тadbиркорлик, ишбилармонлик ва юрт ободлиги йўлида олиб бораётган фаолиятини банк кредитлари орқали қўллаб-қувватлаш.

«Ўзсаноатқурилишбанк» миջозларнинг ҳамкори ва ишончли таянчи!

Хизматлар лицензияланган

UZTELECOM
*Ҳурматли абонентлар,
Тошкент шаҳри аҳолиси ва меҳмонлари!*
«Toshkent shahar telefon tarmog'i» филиали

телекоммуникация тармоғидан Тошкент шаҳридаги шошилинч ва маълумотлар хизматида чиқиш тартиби 101, 102, 103, 104, ..., 10xx рақамларини териш билан амалга оширилмоқда.

- «101» (ёнғин хавфсизлиги хизмати)
- «102» (милиция)
- «103» (тез ёрдам)
- «104» (газ хизмати)
- «1050» (қутқарув хизмати)
- «10xx» (бошқа хизматлар)

Қўшимча маълумотлар учун 200-31-31 ёки 1064 рақамига мурожаат қилинг.

БЕКАЖОН ПОМИДОР МАНТИ
Масалликлар: 25 дона помидор, гўшт, 50 г думба ёғи, 1 та тухум, 1 стакан пиширилган гурч, 3 бош пиёз, туз ва зиравор.

Тайёрланиши: ўртача катталиқдаги помидорларни уруғ ва шарбатидан тозааб косача шаклига келтирилади. Сўнгра қиймаланган қўй гўшти, тухум, пиёз, гурч, туз ва зираворлар қўшилган аралашма помидорлар ичига жойланади. Уларни манти касконга очик томонини пастга қилиб терасиз. Қасконнинг сув қуддиган қисмига гўшдан чиққан суюқлар, помидор, булғор қалампирини, сабзи солиб шурва тайёрлайсиз. Помидор манти ана шу шурванинг бугига димланади. Пишиш муддати 20 дақиқа.

Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Амир Темура Аҳмад Дониш кўчалари, 2-мавзе, 7-уй манзили бўйича «ASIA FININVEST» МЧЖ номига берилган 7-224/2011 реестр рақамли кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Олмазор туманида 2011 йил 23 майда № 0513093 реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган яқка тартибдаги тadbиркор Зияев Шавкатжон Шухратуллаевич номига берилган № 05-11159 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО «МАХАН ТЕКС» (ИНН 301127171), зарегирированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Яккасарайского района г. Ташкента, расположенное по адресу: 100100, г. Ташкент, Яккасарайский район, ул. У. Носира, дом 53-Б, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (Протокол собрания № 2 от 23.08.2012г.).
Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: +99893) 544-32-32.

ООО «XUSAYIN-BARAKA UNIVERSAL» (ИНН 302181573), зарегирированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента, расположенное по адресу: Чиланзар Д-20-15, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (Протокол собрания № 2 от 24.08.2012г.).
Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 574-19-20.

Утерьянный аттестат № 2838038, выданный в 1993 году общеобразовательной школой № 24 Куйи Чирчикского района Ташкентской области на имя Ибраевой Гулшат Уласовны, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Шайхонтохур тумани хокимлиги хузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатдан ўтган яқка тартибдаги тadbиркор Мунинов Нурилла Иргашевич номига берилган думалоқ мухр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Зангиота тумани хокимлиги ТСРЎИ томонидан 2010 йил 17 декабрда № 1231 реестр рақами билан қайта рўйхатдан ўтган «DIYORBEK SAVDO BARAKA» (СТИР 205764425) хусусий корхонаси устав фонди 32 899 040 (ўттиз икки миллион саккиз юз тўқсон тўққиз минг қирқ) сўмдан 23 382 240 (йигирма уч миллион уч юз саксон икки минг икки юз қирқ) сўмга қамайтирилишини маълум қилади.

Чилонзор тумани ТСРЎИ томонидан «STIM PLUS SHANS» МЧЖ (СТИР 300071434) номини ўзгартирган холда мулкчилик шаклини нодавлат таълим уюмасига ўзгартирилишини маълум қилади. Маълумот учун тел.: 505-06-26.

Олмазор тумани хокимияти томонидан рўйхатга олинган «GOLD DREAM GROUP» МЧЖга 11.05.2011 йилда берилган 005164-05 рақамли «Гувоҳнома» йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«STAR-NET LUX» хусусий корхонаси, аввал Яккасарой тумани ТСРЎИ томонидан 2008 йил 29 августда 004062-11 реестр рақами билан рўйхатга олинган, мулкчилик шакли «STAR-NET LUX» масъулияти чекланган жамиятига ўзгартрилишини маълум қилади.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ҳамда вилоят хокимлиги вилоят Кенгаши депутати, доимий комиссия раиси, «Тошвилтранс терминал» уюмаси раиси
Муҳамадали Абдуганиевич КАРИМОВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чукўр ҳамдардлик билдиради.

ЁШЛИКНИНГ ЖЎШҚИН ИЛҲОМЛАРИ

Ёшлар ижод саройида Ватанисиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишланган "Навқирон Ўзбекистон - 2012" V республика анъанавий ва замонавий санъат фестивали бошланди.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Ўзбекистон Бадий академияси ва Ёшлар ижод саройи томонидан ташкил этилган мазкур фестивалда тасвирий ва амалий санъат асарлари намойиш этилмоқда.

Фестивалнинг очилишида турли вазирилик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, рессом ва дизайнерлар, уста ва хунармандлар, санъатшунослар, ўқитувчилар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳномалигида ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бадий

диди ва тафаккурини шакллантириш, миллий маданиятимиз ва санъатимизни янада равақат топтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Бу жиҳатлар "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси фаолиятида ҳам муҳим ўрин тутди. Мазкур жамоат ташкилотининг "Art Week Style.uz" халқаро лойиҳаси, "Тасвирий санъат+5" ижодий ҳафталиги, биеналле ва кўргазмалари миллий маданиятимиз ва санъатимизнинг ўзинга хос анъаналарини тарғиб этиш билан бирга, ижодкорларнинг ўзаро фикр ва тажриба алмашиши учун имко-

ният яратаетир.

"Навқирон Ўзбекистон - 2012" санъат фестивалида ижодкор ёшларнинг тасвирий санъат, фотография, дизайн, ҳайкалтарошлик, миллий хунармандлик, инсталляция, видео-арт сингари йўналишлардаги асарлари намойиш этилмоқда. Уларда муаллимларнинг орзу-интилишлари, ҳаётга муносабати ёшликка хос бегуборлик ва жўшқинлик билан ифода этилган. Фестиваль доирасида санъатшунос олимлар, таниқли мусаввирлар, ҳайкалтарошлар, уста ва хунармандлар иштирокида давра суҳбатлари, маҳорат сабоқлари, маърифий анжуманлар бўлиб ўтди. Фестиваль голиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тадбир сентябрь ойининг бошида бўлиб ўтди.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири.



ЭТНИК ТЎҚНАШУВ ҚҮРБОНСИЗ БЎЛМАДИ

Кениянинг жануби-шарқида юз берган этник гуруҳлараро тўқнашув оқибатида 48 киши ҳалок бўлган ҳақида хабар тарқатди Associated Press.



Минтақа полицияси бошлиғи Жозеф Кавунгнинг айтишича, Покомо қабила-синининг 200 кишилик гуруҳи Орама қабила-синининг 100 кишилик гуруҳи билан тўқнашув бўлиб ўтди. Қўчиллик ўз уйида тирик-лай қўйиб кетди, бошқалар пичоқ ва ёй қўлидан ҳалок бўлди. Улганларнинг аксарияти аёллар ва болалар. Бундан ташқари, кўрлаб сийғирлар ҳам қирилди.

Покомо қабила-синининг Орама қабила-синининг қўчиллиги билан тўқнашув бўлиб ўтди. Қўчиллик ўз уйида тирик-лай қўйиб кетди, бошқалар пичоқ ва ёй қўлидан ҳалок бўлди. Улганларнинг аксарияти аёллар ва болалар. Бундан ташқари, кўрлаб сийғирлар ҳам қирилди.

Давлат фондининг минтақа тараққиёти учун масъул вакили Мгеннинг айтишича, ушбу ҳужум бир ҳафта илгари содир бўлган жанжал оқибатидир. Ушан-лар қўшни қабила-синининг икки вакилини ўлдирди. Аслида бу икки қабила кўпдан бери бир-бирига душман қайфиятда. Аммо, қабила бошлиқлари тўқнашувлар олдини олиб келишарди. Воқеа гувоҳи Махмуд Мухамеднинг айтишича эса, тўқнашув сиёсий сабаб тўғрисида бўлган. Унинг гапига қараганда, ҳужумга тайёргарлик қўрилагани ҳақида полицияга хабар берилган, аммо, бунга ҳеч қандай эътибор бўлмаган. Шунингдек, Мухамед қандай сиёсий сабаб борлигига аниқлик киритмади.

ФИЛЛАР СУЯГИ СОТИЛАЯПТИ

Зимбабве омборларида 50 тоннага яқин фил суюғи тўпланиб қолди. Энди филларни асраш мақсадида бу суюқларни сотишга қарор қилинди.

Reutersнинг маълум қилишича, мамлакат ҳукумати халқаро тартибга солуви ташкилот - йўқлиб бораётган ҳайвонларни сотиш бўйича халқаро Конвенцияга заҳирдадаги суюқларни аукцион орқали сотиш ва тушган маблагни мамлакатда филларнинг кўпайишига сарфлашга рўхсат сўраб мувоҳаза қилмоқчи.


Ушбу фил суюқлари заҳираси уларни овлашга давлат томонидан расмий рўхсат берилгани ёки табиий ўлим натижасида тўпланиб қолган. Бир қисми эса браконьерлардан тортиб олинган.

Зимбабве бoғ ва ёввойи табиат бошқаруви директори Виталис Чаденганинг айтишича, ҳозир 100 мингдан зиёд фил бор ва уларнинг табиий кўпайиши сақлаб туриш учун йилга 30 миллион АҚШ доллари керак бўлади. Ҳукумат эса бундай имкониятга эга эмас.

Охири март ҳукумат фил суюғини халқаро бозорда сотишга 2008 йилда рўхсат олиб, 3,9 тонна махсуслотни савдога чиқарган.



БИЛАСИЗМИ?



ЯРИМ ЛИТРДАН ОШМАСИН!

Нью-Йорк шаҳрида газланган ширин ичимликларни катта сифимизда идишларда сотишни тақиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Энди бундай ичимликлар ҳамми ярим литрдан ошмайдиган идишларда сотилиши зарур. Қонунчи бузғунларга нисбатан икки юз АҚШ доллари миқдориди жарима солинади. Шаҳар маъий Майкл Блумберннинг сўзларига кўра, ушбу қарор аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, беш юз миллилитр газланган ширин ичимлик таркибиди беш чой қошиқ (60 грамм) миқдориди шакр мавжуд. Бу эса одамлар, айниқса, қандли диабет касаллигига қаршилик беморлар саломатлигига салбий таъсир қўрсатиши мумкин. Айрим ичимликлардаги шакрдан 160-200 марта ширинроқ бўлган аспартам моддиси эса инсон саломатлиғи учун хавфли бўлиб, организмга тушганда зарарли метанол ҳамда аминокислоталарга парчаланиб кетади. Бунинг устига ушбу модда иштахани очиди ва инсон беихтиёр керакдан ортик таом тановул қила бошлайди.

«FORD»дан ЭЛЕКТРОМОБИЛЬ



АҚШнинг "Ford" компанияси электр двигатели автомобили ишлаб чиқаришни йўлга қўлди. Маълумотларга кўра, компаниянинг янги электромобиллари соатига 136 километр тезлик билан ҳаракатланади. Уларнинг двигатели литий-ионли батареялар ёрдамида ишлайди. Компания вакилларининг сўзларига кўра, 2013 йилга бориб "Ford" яна беш турдаги электр машиналари ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Жиноят ишлари бўйича вилоят судининг очик суд мажлиси Насибулло Маннопов содир этган жиноятни қўриб чиқиб, қатъий, лекин одил қарор чиқарди. У Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 167-моддаси 3-қисмининг "а" банди ва 210-моддаси 3-қисмининг "б" бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топилиб, уч йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинди, 14 миллион 920 минг 500 сўм жарима, 11 йил озодликдан маҳрум қилиш жазолари тайинланди. Жазоларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида ижро этилиши белгилаб қўйилди. Содир этилган жиний ишлар бўйича унинг шериги Убайдулла Саботаевга эса, уч йил давомида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 30 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси берилди.

одил ҳукм чиқарилди, де-са, бошқаси, "Ўзим наҳанг бўлиб кетган эди-да, қачон сув насосини ишга туширишни илтимос қилсанг, пулдан гап бошларди" деди.

Хўш, Маннопов билан Саботаев кимлар? Қандай жиноятлар содир этишдики, уларга шунчалик оғир жазолар лозим қўрилди? Келинг, бу саволларга уларнинг ўзлари жавоб бера қолишсин.

ларга сохта маълумотлар ва қайлар киритиш йўли билан 399 миллион сўмга яқин маблагни совириб юборди. Бундан ташқари, иш хақи, электр энергияси ва бошқа харажатлар бўйича 277,2 миллион сўмга яқин маблаг ноқонуний сарфлашига йўл қўйди. Пул деса, Насибулло ўзини томондан ташларди, дейишадди таниш-билишлари. Айни шу "фазилати" уни қафасга солди. Ўша воқеани суд мажлисида ўзи аниқ-аниқ гапириб



лари олганини айтди-қўйди. Бундан ташқари, чўнтагидан ўзига тегишли 1150 АҚШ доллари, стол тортиқлари ва сейфдан бир миллион 100 минг сўм пул ҳам топилиб, хатланди. Ана энди Насибулло наҳангнинг иштахасини тасаввур қилаверинг.

Бош ҳисобчи Убайдулла Саботаев ҳам суд мажлисларида анча гапдон бўлиб қолди. У аъ шу бошлиғи билан бирга содир этишган барча қингир ишларни бир-бир тилга олиб, уларни хаспўшаш учун нималар қилишгани, қандай сохтакорликлар, алдам-қалдам ёзув-чизувларга қўл уришганини бирма-бир санаб берди. Шу тариқа смета ҳужжатларисиз миллион-миллион сўмлар кўкка совирилганиги ойдинлашди.

НАҲАНГ

Кишлоқ ва сув хўжалиги вазири Убайдулла Саботаевга эса, уч йил давомида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 30 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси берилди.

Бугина эмас. Дастлабки тергов жараёнида Насибулло Манноповнинг оиласи давлатга етказилган зарарларни қоплаш учун 5,3, Убайдулла Саботаев 102,4 миллион сўм маблагларни улар ишлаган бошқарма ҳисоб рақамига ўтказишди. Биргаликдаги "фаолият" натижасида талон-тороқ қилинган 277 миллион 46,5 минг сўмин эса, ҳар икки жиноятчида солидар тартибда ундиришга қарор қилинди. Жиноят устида қўлга олиш чоғида Насибулло Манноповнинг иш жоийда хатланган 1150 АҚШ доллари ва 1 миллион 101 минг сўм, унинг "Нексия" автомашинаси савдо ташкилотлари орқали сотириш ҳамда тушадиган маблаг ҳам бошқарма ҳисоб рақамига ўтказилади бўлди.

Лекин жиний гуруҳ аъзолари ўзларини қанчалик гўллик солишмасин, содир этган жиноятлари қўлдан-қўл ашёвий далиллар, суд терговиди сўроқ қилинган 11 гувоҳ ва фукаровий даъвогар берган кўрсатмалар билан асосланди. Шу асосда суд хайъати жиноятчиларнинг харақатларини муҳокама қилиб, уларга нисбатан оғирроқ жазолар тайинлашни мақсадга мувофиқ деб топди ва юқоридаги ҳукми эълон қилди. Қилмиш-қидирмиш деб шуни айтдилар-да!

Юсуф ЖУМАЕВ.

НИГОҲ

АҚЛЛИЛИК БАЛОСИ

Имомали Раҳмон халқнинг эътиборини ўсиб бораётган иқтисодий ва ижтимоий муаммолардан қалтиришга зўр бериб уришмоқда. Душанбенинг қоқ ўртасида тикланган дунёдаги энг баланд

тузга етади холос. Аҳвол шундай бўлиб турганда, "подшоҳ" халқнинг пуллари уни ўз хомхўяларини амалга оширишга совирапти. Тожикистон эс эмас, кўп эмас, улкан масжид қурилишига 30 миллион доллар сарфлайди. Яна Қатар ҳам Имомали Раҳмоннинг илтимоси билан 70 миллион доллар қиратида. Бу озмунча маблаг эмаи Холбуки юз минг доллар йирик ишлаб чиқариш объектини қуришга етган бўлур эди. Натижада ҳозир тирқичлик учун Россияда ишлаётган минглаб тожиклар шу янги корхонада иш уринларига эга бўлишарди. Кўпчилик шундай фикрда. Ҳар ҳолда, электрон оммавий ахборот воситаларида ўта зардали мақолалар эълон қилинмоқда.

Мамлакатда ўта зардали мажид қургандан кўра, меҳнат мигрантлари учун заводлар қурган маъқул эди. Тожикистон Ислам уйғониш партияси етакчиси Муҳиддин Кабирий "АП"га берган интервьюсида шундай фикр баён этди. Тожикистонга мажидлар керак, аммо, юзга келган ҳозирги вазиятда инвестициялар бошқа соҳаларга жалб этилса яхши бўларди, дея таъкидлайди Islamnews.tj.



«Уғлим, бошингни айлантириб, «қўшига киритаман» деган шу қишимди?»

БУ - ҚИЗИҚ

Севиш тақиқланди

Ҳиндистоннинг Уттар Прадеш штатидаги Асар қишлоғида севишиб турмуш қуриш қатъий тақиқланди. Қишлоқ оқсоқоллар кенгаши томонидан қабул қилинган ушбу қоида-ни бузганлар қишлоқни тарқ этишга мажбур бўлади. Шунингдек, Асарда қирқ ёшгача бўлган хотин-қизлар жамоат жойларига ёлғиз бориши ва мобил алоқа воситаларида фойдаланиши ман этилган. Оқсоқолларнинг фикрича, бундай чораларни қўллашдан асосий мақсад маҳаллий хотин-қизлар ҳавфсизлигини таъминлашдан иборат.

Сақиб чайнаманг, жаноб инспектор!

Молдовада жорий этилган янги тартибга кўра йўл-патруль хизмати ходимлари ҳайдовчилар билан суҳбат чоғида сақиб чайнаши, тамаки чекиши, овқатланиши ва мобил алоқа воситасидан фойдаланиши тақиқланди. Шунингдек, ушбу вазифани бажарувчи шахсларнинг автомобиль ҳайдовчилари билан мавзудан ташқари гаплашиши ва белгиланган вақтдан ортик уларни ушлаб туриши ҳам мумкин эмас.



ЎЗА.

СОБИҚ ПОЛИЦИЯ БОШЛИГИ

ЕТМИШ ЙИЛГА ҚАМАЛДИ

EFE агентлиги тарқатган хабарда маълум қилинишича, Гватемала полициясининг собиқ юқори мансабли офицери Педро Гарсиа Арредондонни одам ўғирлагани учун 70 йил турма жазосига ҳукм қилди.

68 ёшли Арредондога одам ўғирлагани учун 40 йил қамоқ жазоси берилди. 30 йилни эса инсон ҳуқуқларини бузганлиги учун олди. Суд маълумотларига қараганда, мамлакатда граждандар уруши бораётган 1981 йилда Арредондоннинг курсатмасига мувофиқ талаба Эдгар Саенс ўғирланган эди. Ҳукуматдагилар унинг ёнидан тарғибот-ташвиқот воситалари

топилгани учун ундан кўп-рувчиликка алоқаси борлигиде гумон қилган эдилар. Уни полицияга олиб келиб, сўроқ қилишди, қийнашди, ҳам кейин қўйиб юборишди. Аммо, ўша кунёқ уни яна ўғирлашди. Бунинг бошдан ҳам Арредондо турган эди. Саенснинг қаердалиги ҳозиргача номаълум. ВВС Newsнинг маълумотларига қараганда, Арредондо 1980 йилда Испания элчионаси-га ўт қўйилганда юз берган ёнғин тўғрисида қотилликда ҳам айбланмоқда. Ўша ёнғинда 36 киши ҳалок бўлган. Гватемаладаги граждандар уруши 1960 йилдан 1996 йилгача давом этиб, 200 мингга яқин киши қурбон бўлди ёки дараксиз йўқолди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ | **ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА**

Муассис: **Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ**

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. | **c-mail:** th.tp@mail.ru

Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс). | **Телефонлар:** 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).

Бўлим муҳаррирлари ва муҳбирлар: 233-12-83, 233-48-08. | **Шартнома ва эълонлар:** 236-55-54.

Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. | **Ташкент вилояти ҳокимлиги**

Навбатчи муҳаррир **Сайёра РИХСИЕВА** | **Навбатчи Ирода НОРБОЕВА** | **Саҳифаловчи Тоҳир МАХМУДУЖАЕВ**